# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 15 март, № 54 (8116) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 март куни Германия Федератив Республикаси Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан бир-бирини табриклаб, самимий тилакларини билдирдилар.

Ушбу тарихий даврда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш борасида биргаликда катта ишлар қилингани, ўзаро ишонч ва шериклик учун мустаҳкам пойдевор яратилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги амалий ҳамкорлик ҳолати ва истиқболларини ҳам муҳокама қилдилар, турли даражаларда мунтазам сиёсий мулоқот ва фаол алоқаларни давом эттириш муҳим эканини таъкидладилар.

Германиянинг етакчи компания ва банклари билан савдо, инвестициялар, юқори технологиялар, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Молиявий-техник кўмакни ҳамда маданий-гуманитар алмашинувларни, энг аввало, Ўзбекистонда немис тилини чуқурлаштирилган ўқитиш соҳасида кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Президентлар халқаро кун тартибининг долзарб масалалари, шу жумладан, Украина атрофида юзага келаётган вазият юзасидан фикр алмашдилар. Вазиятнинг янада кескин тус олишига йўл қўймаслик ва можарони тез фурсатда тартибга солиш учун сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракатларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Телефон мулоқоти ҳар доимгидек ишонч руҳида ва дўстона муҳитда ўтди.

**ЎзА.**

## ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 14 март куни иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, давлат корхоналарини трансформация қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Маълумки, мамлакатимизда бозор иқтисодиётини ривожлантириш, рақобат муҳитини яхшилаш мақсадида давлат корхоналари трансформация қилинмоқда. Йиғилишда бу борадаги ишларни жадаллаштириш ва давлат активларини хусусийлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Жумладан, 25 та давлат корхонасида операцион самарадорликни оширишда сусткашликка йўл қўйилгани кўрсатиб ўтилди. Ҳозирги замон талабига жавоб бермайдиган, зарар билан ишлаётган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётидан бутунлай воз кечиш кераклиги айтилди.

Транспорт соҳасидаги ишлар ҳолати ҳам кўриб чиқилди. Транзит йўловчилар оқимини ошириш, чартер парвозларга рухсат бериш тизимини соддалаштириш, маҳаллий аэропортларни минтақавий транзит хабига айлантириш чоралари белгиланди.

"Uzbekistan Airways" АЖ миллий авиакомпанияси эркин рақобат шароитида ишлаш учун замонавий ёндашувларни жорий қилиши, авиачипталар нархининг ошишига йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда иқтисодиётда жорий йилнинг биринчи чораги якунида кутилаётган натижалар таҳлил қилинди. Янги корхоналарни фойдаланишга топшириб, иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳокимлар ва тармоқ раҳбарларига иқтисодий асосланмаган лойиҳаларнинг илгари сурилишига йўл қўймаслик бўйича кўрсатма берилди. Мутасадди идораларга ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, инвестиция лойиҳаларининг бозор иқтисодиёти талабига жавоб беришини ўрганиш вазифаси қўйилди.

Экспорт масалалари муҳокама қилинар экан, ташқи бозордаги бугунги вазиятдан келиб чиқиб, транспорт ва логистика масалаларини ҳал этиш, экспорт географиясини кенгайтириш, маҳсулотларни янги бозорларга чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокимлари озиқ-овқат хавфсизлигини ва бозорларда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш бўйича вазифалар ижроси тўғрисида ахборот берди.

Жумладан, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур ҳудудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги экспорт йўналишларини очиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан вилоят ҳокимларининг ҳисоботи эшитилди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## БОКС БЎЙИЧА БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги "Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ–5280-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 апрелдаги ПҚ–5099-сон қарори билан тасдиқланган Боксни 2025 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ, шунингдек, иқтидорли спортчиларни профессионал боксчилар сифатида тайёрлаш, Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз фаолиятини кенг тарғиб этиш мақсадида:

1.Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимида **Бокс бўйича Баҳодир Жалолов спорт маҳорати мактаби** (кейинги ўринларда — бокс мактаби) ташкил этилсин.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ОКСАНА ЧУСОВИТИНА СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 ноябрдаги "Спорт-таълим муассасалари фаолиятини 2025 йилгача ривожлантириш дастури тўғрисида"ги ПҚ–5280-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, спорт гимнастикаси бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш, Олимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз фаолиятини кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Спортни ривожлантириш вазирлиги тизимида **Гимнастика бўйича Оксана Чусовитина спорт маҳорати мактаби** (кейинги ўринларда — гимнастика мактаби) ташкил этилсин.

**(Давоми 2-бетда).**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси 2022 йил 17 март куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди. Ялпи мажлис 17-18 март кунлари видеоконференцалоқа шаклида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис "Ўзбекистон" ва "Узрепорт" телеканаллари, шунингдек, Сенатнинг www.senat.uz расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.**

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ТАРИХИЙ ҒАЛАБА

*2022 йилнинг 10 март санаси.*

*Бу кун ўзбек пахта-тўқимачилик саноатида янги давр бошланган тарихий кун сифатида хотирамизда муҳрланиб қолиши, шубҳасиз. Зотан, ушбу кундан эътиборан узоқ йиллар давомида муҳим саноат хом ашёси ва у асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизга қўйилган глобал тақиқ ечилди. Яъни "Cotton Campaign" халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига нисбатан бойкот бекор қилингани расман эълон қилинди.*

*Бу — Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси туфайли сўнгги беш йилликда амалга оширилган ислоҳотлар самараси, инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар эътирофидир. Бу — қишлоқ хўжалиги соҳаси тубдан модернизация қилиниб, унга бозор тамойиллари татбиқ этилгани, пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга буткул барҳам берилгани жаҳонда тан олинганининг ёрқин тасдиғидир.*



Таҳлил

### Оқ пахтамиз «қора рўйхат»дан чиқди

Ислоҳотларнинг янги даври бўлмиш охирги беш йилликда пахтадан "сиёсий экин" туси том маънода олиб ташланди. Пахта далаларига сочилиб кетган миллат болалари эгатлардан қайтариб олинди.

Уларнинг эгилган боши, тупроққа қоришиб кетган қадр-қиммати қайта тикланди. Пировардида мамлакат халқаро ҳамжамият олдида "Болалар меҳнати", "Аёлларни оғир ва хатарли меҳнатга жалб қилиш", "Мажбурий меҳнат" деган таъна-дашномлар, исноддан қутулиб, турли иқтисодий чекловлардан озод бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон "Cotton Campaign"нинг "қора рўйхати"дан чиқарилгани ҳақида тўхталар экан, жумладан, шундай деди: "Неча йиллардан бери манфаат қилмадик. Пахтамизнинг ранги оқ эди, лекин "қора" бўлиб юрди. Биз бунинг учун қанча қийналдик. Агар сиёсий ирода бўлмаганида шу нарсалар бўлармиди?

→ 3

Конференция

## СУД СОҲАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ҲУҚУҚ УСТУВОРЛИГИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати, Олий суд, Судьялар олий кенгаши ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан "Суд соҳасидаги гендер тенглик ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда аёл судьяларнинг роли" мавзуида конференция ташкил этилди. Унда сенаторлар, Омбудсман, судьялар, олимлар ва мутахассислар, миллий ҳамда хорижий экспертлар қатнашди.*

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг тадбир иштирокчиларига видеомурожаати билан бошланди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида барча соҳада кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Буни суд тизимида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг натижаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур тадбир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 29 апрелдаги 75/274-сонли резолюциясига асосан эълон қилинган 10 март — Халқаро аёл судьялар кунини нишонлаш доирасида ташкил этилган бўлиб, унда суд соҳасидаги гендер тенглик ҳолати ва истиқболдаги режалар муҳокама қилинди.

Анжуманда суд тизимида гендер вазиятни янада яхшилаш бўйича фикр алмашилди ҳамда аёл судьялар ассоциациясини тузиш бўйича халқаро тажриба ва Ўзбекистондаги шарт-шароит таҳлил қилинди, юртимизда амалга оширилаётган гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш юзасидан амалий чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сўзга чиққанлар суд тизимида хотин-қизларнинг раҳбарлик ва судьялик лавозимларидаги улушини ошириш, жамиятда вужудга келаётган муаммо ва масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилишда хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш, соҳада гендер тенгликнинг таъминланишига монелик қилаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсияларни билдирди.

→ 2

Фракцияларда

## ИЖРОДА МАСЪУЛЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК МУҲИМ

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2021 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, шунингдек, қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

### Ҳисоб палатасининг фаолияти қандай баҳоланди?

ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқди.

Қайд этилганидек, Ҳисоб палатаси 2021 йилдаги фаолиятини "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги Қонун ҳамда Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб амалга оширди. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар ижроси доимий, жойига чиққан ҳолда назоратга олиниб, амалий ёрдамлар кўрсатилди.

→ 3



## ЯНГИ ДАВРНИНГ УМИДБАХШ ЭПКИНЛАРИ

### ЁХУД ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

Мушоҳада

*Минтақамиздаги биринчи Ренессанс алломаларидан бири Абу Наср Форобий фозил жамиятни шундай тасвирлаган эди: "Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир. Бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади".*

*Бугунги кунимизга, ҳаётимизга теран назар ташласак, мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар шу эзгу мақсадга — одамларни рози қилишга, уларнинг бахт-саодатини таъминлашга қаратилгани яққол ойдинлашади.*

*Мазкур жараёнда таълим, илм-фан, маърифат, маданият, санъат ва маънавият ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани ота-боболаримизнинг фозил жамият, кучли давлат қуриш борасидаги асрий орзулари бугунги янги Ўзбекистон тимсолида бўй кўрсатаётганига ишончимизни мустаҳкамлайди.*

*Дарҳақиқат, мамлакат тараққиёти унинг фуқаролари ҳаёт тарзи, уларга яратилган шарт-шароит ва имкониятларга, қулайликларга бевосита боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, бугун жонажон Ватанимизда **"Инсон қадри учун"** ғояси изчиллик касб этган кенг кўламли ислоҳотларнинг янги босқичига тамал тошини қўйди. Қисқа, лекин сермазмун бу ибора шу давргача мавжуд бўлган тамойилларни бутунлай ўзгартириб юборди.*





→ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# БОКС БЎЙИЧА БАҲОДИР ЖАЛОЛОВ СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Қуйидагилар **бокс мактабининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техника ҳамда ўқув-машғулот базаларини яратиш ва турли даражадаги халқаро ва минтақавий мусобақаларда — Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиадалар ҳамда бошқаларда Ўзбекистоннинг шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган **халқаро даражадаги боксчиларни тайёрлаш**;

халқаро даражадаги боксчиларни тайёрлаш учун юқори малакали **мутахассис-тренерлар, психологлар ва услубчиларни**, шу жумладан, хорижий мамлакатлардан етакчи мутахассисларни кенг жалб этиш орқали бокс бўйича **тренерлар таркибини мустаҳкамлаш**;

боксчиларнинг **ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш**, илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув-машқ жараёнларига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш йўли билан уларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

боксчиларнинг профессионал фазилатларини ривожлантириш, шунингдек, боксни ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда **Ўзбекистон миллий терма жамоаларига юқори маҳоратли боксчиларни тайёрлаш**;

ёш истиқболли боксчиларни танлаш ва тарбиялаш масалалари бўйича **болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари, бокс бўйича олий спорт маҳорати мактаблари, спорт яккакурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби** ва бошқа спорт-таълим муассасалари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш;

бокс бўйича миллий терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида ўқув-машқ йиғинлари, **республика ва минтақавий спорт мусобақаларини ташкил этиш** ҳамда мунтазам равишда ўтказиб бориш, тренерлар ҳамда боксчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш бўйича хорижий бокс мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

бокс мактаби ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги **"Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги 410-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган умумтаълим **давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланади**;

бокс мактаби ўз фаолиятини **2022/2023 ўқув йилидан** бошлайди;

бокс мактаби ўқувчиларининг умумий контингенти жами **175 нафарни** ташкил этиб, улар **5 — 11-синф** ўқувчиларидан иборат бўлади;

бокс мактаби ўқувчиларини умумтаълим дастурлари бўйича ўқитиш уларга энг **яқин жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида** амалга оширилади;

бокс мактаби ўқувчиларини **яшаш учун жиҳозлар, суткалик озиқ-овқат нормаси, спорт кийим-боши ва анжомлари, форма билан таъминлашда** олий маҳорат спорт мактабларининг нормативлари татбиқ этилади;

бокс мактаби ўқувчиларини текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун **ота-оналар тўлови ундирилмайди** ҳамда ўқувчилар тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминланади;

бокс мактаби директори, унинг ўринбосарлари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услубчилар, тарбиячилар **меҳнатига ҳақ тўлаш** ҳамда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва тарбиячилар **меҳнатини рағбатлантириш** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги **"Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"**ги 275-сон қарорига мувофиқ;

бокс мактаби директори, унинг ўқув ва спорт ишлари бўйича ўринбосари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услубчилар, тиббиёт ходимлари **меҳнатини рағбатлантириш** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги **"Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"**ги 211-сон қарорига мувофиқ;

бокс мактаби тиббиёт ходимлари меҳнатига **ҳақ тўлаш** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги **"Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"**ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

4. Қуйидагилар **бокс мактабини молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва мактабнинг уставидаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов):

а) **уч ой муддатда**:

бокс мактабининг **уставини тасдиқлаш**, шунингдек, уни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

бокс мактабини замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали педагог кадрлар ҳамда **тренерлар билан босқичма-босқич тўлдириш** чораларини кўрсин;

**б)** Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон бокс федерацияси билан биргаликда бокс мактабида спортчиларни **тайёрлаш сифати юзасидан доимий давлат назоратини** амалга оширсин;

**в)** Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бокс мактабининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг **штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**;

**г)** Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактабларининг **ўқувчиларини бокс мактабида шуғулланиш** учун жалб этиш чораларини кўрсин.

6. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2022 йил 1 августга қадар Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 9-мавзеда жойлашган **259-сон умумий ўрта таълим мактабига** туташ ҳудудда замонавий бокс мактаби **ташкил этилиши ва жиҳозланишини** таъминласин.

Бокс мактабини ташкил этиш ва жиҳозлаш учун Давлат бюджетидан жами **25 миллиард** сўм йўналтирилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Спортни ривожлантириш, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Молия вазирликлари билан биргаликда мазкур банд талабларидан келиб чиқиб 2022 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг тегишли параметрларини қайта кўриб чиқсин.

7. Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) бокс мактабининг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилишида энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилишини, мактабни **инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш**, **шинамлик ва экологик хавфсизлик** талабларига мувофиқлик юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий **давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин**.

8. Молия вазирлиги бокс мактаби фаолиятини сақлаш билан боғлиқ зарур маблағларни 2022 йил республика бюджетида кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2023 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов** ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.А.Артикходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 14 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА ОКСАНА ЧУСОВИТИНА СПОРТ МАҲОРАТИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Қуйидагилар **гимнастика мактабининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техник ҳамда ўқув-машғулот базаларини яратиш ва турли даражадаги халқаро ва минтақавий мусобақаларда — Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, универсиадалар ҳамда бошқаларда Ўзбекистоннинг шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган **халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш**;

спорт гимнастикаси бўйича халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш учун юқори малакали **мутахассис-тренерлар, психологлар ва услубчиларни**, шу жумладан, хорижий мамлакатлардан етакчи мутахассисларни кенг жалб этиш орқали **тренерлар таркибини мустаҳкамлаш**;

спортчиларнинг **ўқув-машғулот жараёнини халқаро стандартлар даражасида ташкил этиш**, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, ўқув-машқ жараёнларига энг янги илмий-услубий технологияларни жорий этиш йўли билан уларни назарий ва техник-тактик жиҳатдан тайёрлаш сифатини мунтазам ошириб бориш;

спортчиларнинг профессионал фазилатларини ривожлантириш, шунингдек, спорт гимнастикасини ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда **Ўзбекистон миллий терма жамоаларига юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш**;

ёш истиқболли спортчиларни танлаш ва тарбиялаш масалалари бўйича **болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, олимпия ва миллий спорт турларига ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари, олимпия ва паралимпия захиралари коллежлари, Гимнастика бўйича ихтисослаштирилган республика болалар-ўсмирлар олимпия захираси спорт мактаби, гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби** ва бошқа спорт-таълим муассасалари билан узлуксиз ҳамкорликни амалга ошириш;

спорт гимнастикаси бўйича миллий терма жамоалар ва уларнинг захиралари иштирокида ўқув-машқ йиғинлари, **республика ва минтақавий спорт мусобақаларини ташкил этиш** ҳамда мунтазам равишда ўтказиб бориш, тренерлар ҳамда спортчиларнинг касб маҳорати даражасини ошириш учун тажриба алмашиш бўйича хорижий спорт мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

гимнастика мактаби ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 июндаги **"Спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"**ги 410-сон қарорида белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширади, шу жумладан, юридик шахс мақомига эга бўлган ихтисослаштирилган умумтаълим **давлат спорт-таълим муассасаси ҳисобланади**;

гимнастика мактаби ўз фаолиятини **2022/2023 ўқув йилидан** бошлайди;

гимнастика мактаби ўқувчиларининг умумий контингенти жами **165 нафарни** ташкил этиб, улар **1 — 11-синф** ўқувчиларидан иборат бўлади;

гимнастика мактаби ўқувчиларини умумтаълим дастурлари бўйича ўқитиш уларга энг **яқин жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида** амалга оширилади;

гимнастика мактаби ўқувчиларини **яшаш учун жиҳозлар, суткалик озиқ-овқат нормаси, спорт кийим-боши ва анжомлари, форма билан таъминлашда** олий маҳорат спорт мактабларининг нормативлари татбиқ этилади;

гимнастика мактаби ўқувчиларини текин (имтиёзли) овқатлантириш харажатларини қисман қоплаш учун **ота-оналар тўлови ундирилмайди** ҳамда ўқувчилар тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминланади;

гимнастика мактаби директори, унинг ўринбосарлари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услубчилар, тарбиячилар **меҳнатига ҳақ тўлаш** ҳамда мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари ва тарбиячилар **меҳнатини рағбатлантириш** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги **"Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"**ги 275-сон қарорига мувофиқ;

гимнастика мактаби директори, унинг ўқув ва спорт ишлари бўйича ўринбосари, тренер-ўқитувчилар, йўриқчи-услубчилар, тиббиёт ходимлари **меҳнатини рағбатлантириш** Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги **"Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"**ги 211-сон қарорига мувофиқ;

гимнастика мактаби тиббиёт ходимлари **меҳнатига ҳақ тўлаш** Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги **"Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"**ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

4. Қуйидагилар **гимнастика мактабини молиялаштириш манбалари** этиб белгилансин:

Давлат бюджети маблағлари;

фаолият ихтисослиги бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан ва мактабнинг уставидаги вазифаларга мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

асосий машғулотлар ўтказилмайдиган вақтда бўш турган мол-мулкни ижарага беришдан тушган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Спортни ривожлантириш вазирлиги (А.Икрамов):

а) **уч ой муддатда**:

гимнастика мактабининг **уставини тасдиқлаш**, шунингдек, уни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

гимнастика мактабини замонавий педагогик технологияларни эгаллаган малакали педагог кадрлар ҳамда **тренерлар билан босқичма-босқич тўлдириш** чораларини кўрсин;

б) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан биргаликда гимнастика мактабида спортчиларни **тайёрлаш сифати юзасидан доимий давлат назоратини** амалга оширсин;

в) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда гимнастика мактабининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг **штат жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин**;

г) Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим мактабларининг **ўқувчиларини гимнастика мактабида шуғулланиш** учун жалб этиш чораларини кўрсин.

6. Спортни ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Қурилиш вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2022 йил 1 августга қадар Тошкент шаҳар, Мирободтумани, Саракўл кўчаси, 24-«М» уй манзилида жойлашган **175-сон умумий ўрта таълим мактабига** туташ ҳудудда замонавий гимнастика мактаби **ташкил этилиши ва жиҳозланишини** таъминласин.

Гимнастика мактабини ташкил этиш ва жиҳозлаш учун Давлат бюджетидан жами **25 миллиард** сўм йўналтирилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Спортни ривожлантириш, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, Молия вазирликлари билан биргаликда мазкур банд талабларидан келиб чиқиб 2022 — 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг тегишли параметрларини қайта кўриб чиқсин.

7. Қурилиш вазирлиги (Б.Закиров) гимнастика мактабининг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилишида энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилишини, мактабни **инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш**, **шинамлик ва экологик хавфсизлик** талабларига мувофиқлик юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан доимий **давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин**.

8. Молия вазирлиги гимнастика мактаби фаолиятини сақлаш билан боғлиқ зарур маблағларни 2022 йил республика бюджетида кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2023 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

9. Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб спортни ривожлантириш вазири **А.И.Икрамов** ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.А.Артикходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 14 март

# СУД СОҲАСИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ВА ҲУҚУҚ УСТУВОРЛИГИ

1

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда судлар ролини ошириш ҳамда одил судловга эришишни таъминлаш учун аёл судьяларнинг ассоциациясини тузиш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Тошкент давлат юридик университети ва унинг қошидаги техникум ҳамда лицей талаба қизларини судьяликка жалб этиш бўйича меморандум имзолаш, унда судьялик фаолияти баробарида, оилавий ҳаёти билан ибрат бўлиб келаётган аёл судьялар иштирокида мазкур таълим муассасаларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш, ушбу тадбирларда аёл судьялар фаолиятига тааллуқли "Талабаликдан судьяликка томон" номли видеороликни намойиш қилиш ва талаба қизларни аёл судьялар ҳамжамияти тадбирларига таклиф этиш тасвия қилинди.

Ўз навбатида, Судьлар олий мактабига қабул жараёнида хотин-қизларга квота ажратиш ва ўз уйидан ажралган ҳолда пойтахтга келиб ўқиш имконига эга бўлмаган хотин-қизларга масофавий таълим олиш учун шароит яратиш ва шу орқали суд корпусида гендер тенгликни ва барқарорликни таъминлаш масаласи ҳам таҳлил қилинди.

Ушбу таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилиши суд органларида хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларидаги улушини ошириш, жамият ҳаётидаги ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда ва суд соҳасида гендер тенглик таъминланиши бўйича мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда аёллар иштирокини кучайтириш имконини бериши таъкидланди.

Конференция якунида аёл судьялар ҳамжамиятининг мурожаати қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛЯПТИ?

*Кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб, соҳада улкан ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан мазкур соҳада илгари сурилаётган конструктив таклифлар ҳамда ташаббуслар нафақат мамлакатимизда, балки халқаро жамоатчилик томонидан ҳам катта қизиқиш билдирилиб, эътироф этилмоқда.*

## Долзарб мавзу

Жумладан, 2018 йил 27 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ташкил этилган 73-сессияси доирасида БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фондини ишга туширишга доир олий даражадаги тадбир ўтказилди ва ушбу фонд ўз фаолиятини бошлади. БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясининг 2021 йил 18 май куни ўтказилган ялпи мажлисида минтақа келажаги учун тарихий аҳамиятга эга ҳужжат, яъни "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюция бир овоздан қабул қилинди.

Ҳозирги кунда Оролбўйи ҳудудида махсус резолюцияда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан тасдиқланган "Йўл харитаси"га мувофиқ, жами 2 триллион 120 миллиард сўмдан ортиқ, 22 миллион АҚШ доллари ва 6 миллион евро маблағ сарфланиши мўлжалланган 71 банддан иборат чора-тадбирлар ҳамда 65 та устувор инновацион лойиҳалар амалга ошириляпти.

Шунингдек, Юртбошимиз ташаббуси билан Орол денгизи фожиаси оқибатларини юмшатиш, Оролнинг қуриган тубида ўрмонлаштириш ишларини бажариш, Оролбўйи ҳудуди аҳолиси фаровонлигини ошириш бўйича кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётир.

Биргина мисол, сўнгги 40 йил давомида Оролнинг қуриган тубида қарийб 400 минг гектарда ўрмонзор ташкил этилган бўлса, 2018 йилнинг декабрь ойидан ҳозирги кунга қадар 1 миллион 600 минг гектардан ортиқ майдонга саксовул, черкес ва шўрга ҳамда қурғоқчиликка чидамли бошқа ўсимлик уруғлари сепилди ва кўчатлари экилди. Ушбу ҳудудларда чўл ўсимликларидан "яшил қопламалар" — ҳимоя ўрмонзорлари барпо этиш ишларининг олиб борилиши, ўз навбатида, Орол денгизининг суви қуриган тубидан кўтарилаётган қум, туз ва чанг заррачаларининг салбий таъсирини камайтириш, глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсирини янада юмшатиш имконини беради.

Минтақадаги яна бир экологик муаммо ҳисобланган сув ресурслари танқислигининг олдини олиш борасида ҳам мамлакатимизда аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, биргина ўтган йилнинг ўзида 433 минг гектардан ортиқ майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткични 478 минг гектарга етказиш ҳисобига 534 миллион куб метр сувни иқтисод қилиш белгиланган. Бу, ўз навбатида, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш эвазига етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг пасайишига хизмат қилади.

Тараққиёт стратегиясининг 145-бандига мувофиқ, шундай инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига жорий йилда камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш назарда тутилган.

Экологик муаммоларнинг ечимларидан бири ҳисобланган "яшил" иқтисодиётга ўтиш бўйича мамлакатимизда муҳим қадамлар ташланди. "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди, 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқланди.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутувчи "яшил иқтисодиёт", "яшил энергетика", "ақлли" қишлоқ хўжалиги тамойилларини амалиётга жорий этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Навоий вилоятининг Кармана туманида ишга туширилган лойиҳа



қиймати 110 миллион АҚШ доллари, қуввати 100 мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси янги Ўзбекистон энергетика тизимидаги биринчи улкан қадам бўлди. Йилига 252 миллион киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи мазкур фотоэлектр станция 30 мингдан зиёд хонадонларни электр энергия билан таъминлаш имконини бериши билан бир қаторда, 80 миллион куб метр табиий газ тежалиб, атмосферага 160 минг тонна "иссиқхона газлари" чиқишининг олди олинади.

Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида лойиҳа қиймати 108 миллион АҚШ доллари, қуввати 100 МВт бўлган янги шамол электр станциясига тамал тоши қўйди. Йиллик қуввати 360 миллион киловатт/соат бўлган шамол электр станцияси ишга тушгач, 110 минг хонадонни қўшимча электр энергияси билан таъминлаш мумкин бўлади ҳамда йилига 106 миллион куб метр табиий газ тежалади. 2026 йилга бориб Ўзбекистонда қуёш ва шамол электр станцияларининг умумий қувватини 8 минг МВтга етказиш кўзда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, йилига 7 миллиард куб метрдан ортиқ табиий газни тежаш ҳисобига атмосферага 12 миллион тоннадан зиёд "иссиқхона газлари" чиқишининг олдини олиш имконини беради.

Қисқаси, мавжуд экологик муаммоларни бартараф этишда инновацияларни жорий қилиш, экологик тоза, энергия самарадор ва ресурстежамкор лойиҳаларни амалга ошириш, мамлакатимиз экологик хавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурсларни тежаш имконини бериш билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, аҳоли фаровонлиги янада ошишига хизмат қилади.

**Хайрилло ҒАФФОРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ТАРИХИЙ ҒАЛАБА

1 Лекин бу — кураш. Кеча телевизорда кўрсатди, қадрига етган одам хурсанд бўлиб йиғлади. Миллатимизнинг қиммати бу".

Очиғини айтиш керак, 12 йил амалда давом этган чекловни олиб ташлаш осон бўлгани йўқ. Негаки, яқину йироқдагилар янги Ўзбекистонда юз бераётган инқилобий ўзгаришларни, айниқса, пахтачиликдаги ижобий ўнгланишларни ҳазм қилиши, эътироф этиши силлиқ кечмади.

Шу боис бу борадаги халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги, шунингдек, "Cotton Campaign" коалицияси билан ҳамкорликда одам савдоси, мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва ишчилар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар режалари муваффақиятли амалга оширилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда миллий қонунчилик такомиллаштирилиб, улар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Аниқроғи, 2019 — 2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг қатор конвенция ҳамда баённомалари ратификация қилинди. Болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди. Шу тариқа пахта-тўқимачилик саноатининг бамисоли пешонасига босилган тамға олиб ташланди.

### Бойкот ва унинг таъсири қандай бартараф этилди?

Маълумки, ўзбек пахтасига илк бор 2009 йилда бойкот эълон қилинган эди. Орадан бир йил ўтгач, "Cotton Campaign" коалициясининг ушбу чақириғига 60 дан ортиқ компаниялар қўшилди. 2022 йилга келиб эса ўзбек пахтасини бойкот қилган халқаро бренд ҳамда ритейлерлар сони 331 тага етди. Улар орасида "C&A", "Gap Inc.", "H&M", "Levi Strauss & Co.", "Tesco", "Walmart", "Nike", "Zara" каби дунё тўқимачилик бозорида етакчи бўлган йирик брендларнинг ҳам борлиги ўзбек пахта-тўқимачилик саноати ва унинг экспортига салбий таъсир ўтказмай қолмади.

"Cotton Campaign" халқаро коалициясининг вакилларининг бир овоздан айтишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг кластер усулига ўтилгани энг тўғри йўл бўлди. Бунинг натижасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди.

Яна бир эътиборли томони, қулай агробизнес муҳити яратилиб, Ўзбекистонда замонавий жиҳозлар ва илғор технологиялар билан таъминланган йирик корхоналар пайдо бўлди. Уларда пахта толасини чуқур қайта ишлаш занжири яратилиб, барча жараённи кузатиш имконини берадиган шаффоф тизим яратилди. Меҳмонлар ўзбек тўқимачилари муваффақиятининг бош омили бўлган ушбу янгиликларни Бухоро вилоятидаги "BCT Cluster", Тошкент вилоятидаги "TCT Cluster" пахта-тўқимачилик кластерларида бўлиб ўрганди. Ва пахта-тўқимачилик саноати мажбурий меҳнатдан буткул холи бўлган жозибадор тармоққа айланганини яна бир марта эътироф этдилар.

2016 йилда юртимизда етиштирилган пахта хом ашёсининг 37 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги пайтда Ўзбекистон ўз пахта толасини 100 фоиз қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Бунинг эвазига хом ашё экспорти батамом тўхтатилди. Аксинча, қайта ишланиб, қўшимча қийматга эга маҳсулот сифатида экспорт қилина бошланди. Бошқача айтганда, толани ўзимизда чуқур қайта ишлаш ҳажми ортиб, калава ип йигириш 2 баробар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 3 баробар ошди. Ўз навбатида, экспорт миқдори муттасил ортиб, 2021 йил якунлари бўйича 3,1 миллиард долларга етказилгани қувонарлидир.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, Ўзбекистон биргина пахта толасини чуқур қайта ишлаш эвазига йиллик экспорт ҳажмини 50 миллиард долларга чиқариш салоҳиятига эга. Ва дастлабки марра — яқин 2-3 йил ичида экспортни 10 миллиард долларга етказишдир. Бунда Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси тизимида фаолият юритаётган 122 та пахта-тўқимачилик кластери драйвер вазифасини ўтайди.

Чиндан ҳам, бугунги кунда пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш билан Президентимиз ташаббуси асосида ташкил этилган кластерлар шуғулланмоқда. Улар томонидан соҳани механизациялаштириш, қўл меҳнатини камайтириш, меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш борасида тизимли чора-тадбирлар кўрилаяпти.

### Қўл меҳнатидан воз кечилмоқда

Давлатимиз раҳбари ўзбек матбуотига берган илк интервьюсида куйиниб айтганидек, "Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта экдик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан "Миллион эгатларга сочилган ўзбек", деб ёзганидек, юз йил эгилиб пахта тердик.

Яқин-яқингача ҳар йили тахминан 6-7 миллион одам пахта теримига мажбуран сафарбар этиларди. Мана, уч йилдан буён улар бу машаққатдан қутулди. Қанчалик қийин бўлмасин, бу соҳада биз бозор иқтисодиётининг синалган ва самарали усулларини, жумладан, кластер тизимини жорий этдик. Кластерлар ёрдамида гектаридан пахта бўйича 50 центнер, ғалла бўйича 100 центнердан ҳосил олишни кўзлаяпмиз ва бу марраларга, албатта, эришамиз".

Таъкидлаш кераки, 2017 йилда республикамизда етиштирилган ялпи пахта ҳосилининг бор-йўғи 0,9 фоизи кластерлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, ушбу кўрсаткич 2018 йилда 15,1 фоизни, 2019 йилда 68 фоизни, 2020 йилда 91 фоизни ташкил этди. 2021 йилдан эътиборан пахта хом ашёси 100 фоиз пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан етиштирилди. Ҳосилдорлик эса охирги бир йил ичида ўртача 10 фоизга кўтарилди.

Энг муҳими, кластерлар томонидан интенсив ва инновацион агротехнологияларни амалиётга қўллаш, механизациялаштириш жараёнини жадаллаштириш ҳисобига қўл меҳнатидан босқичма-босқич воз кечилаяпти. Бу ҳақда сўз юритилганда, 2019 — 2020 йилларда 21 минг гектардан зиёд майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилгани, умумий қиймати 3,6 триллион сўмлик 14 мингдан ортиқ юқори унумли қишлоқ хўжалиги техникалари, шу жумладан, 660 та пахта териш машинаси сотиб олинганини айтиш жоиз.

Соҳада эришилаётган бу каби муваффақиятлар "Cotton Campaign" коалицияси ҳамда нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар томонидан тан олиняпти, юксак эътироф этилмоқда.

***Патриция ЖУРЕВИЧ, "Responsible Sourcing Network" бош директори ва "Cotton Campaign" асосчиларидан бири:***

*— Мен Ўзбекистонни бетакрор мамлакат, деб биламан. Кластерлар кўринишидаги вертикал интеграция орқали пахта билан боғлиқ барча жараённи шу ернинг ўзида амалга ошириш имкони бор. Бунда пахта етиштирувчилардан тортиб то охирги маҳсулот тайёр бўлгунгача жараёнларда тўла шаффофлик ва кузатувчанликка эришиш мумкин. Бу жуда ноёб ҳодиса ва халқаро ҳамжамиятни ўзига жалб қила олади. Кластерлар уюшмаси эса бу, албатта, яхши, у орқали кўплаб иш ўринларини яратиш, қолаверса, пахта саноатида ишловчиларнинг ҳаётини яхшилай олиш мумкин.*



***Беннет ФРИМАН, "Cotton Campaign" асосчиларидан бири, АҚШ Давлат котибининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат бўйича ёрдамчиси собиқ ўринбосари:***

*— Биз Президент Шавкат Мирзиёевнинг давлат томонидан мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва Ўзбекистон пахта секторини ислоҳ қилиш учун зарур бўлган тарихий ислоҳотлар ташаббуси ва амалга оширилишини рағбатлантирамиз, юқори баҳолаймиз. Сўнгги йилларда Ўзбекистон томонидан эришилган натижалар "Cotton Campaign" халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига нисбатан эълон қилинган бойкотни олиб ташлаш учун асос бўлди. Энди биз Ўзбекистон ҳукуматини фуқаролик жамияти учун майдон очишга ва глобал брендларни жалб қиладиган ҳамда меҳнат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган масъулиятли етказиб берувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун зарур бўлган қулай муҳитни яратишга чақирамиз.*

### Энг жозибадор мамлакатга айланамиз

Ўзбек пахтасига эълон қилинган бойкот бекор қилиниши, аввало, Ўзбекистоннинг пахта-тўқимачилик саноатида дунёнинг энг жозибадор мамлакатларидан бирига айланишига кенг йўл очиб беради. Бу эса тўқимачилик саноатида дунёдаги етакчи корхоналарнинг Ўзбекистон бозорига кириб келишига имкон яратади. Мамлакатда миллионлаб одамларга янги иш ўринларини яратишга, қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро стандартларни жорий этишга, тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт ҳажмини оширишга ҳамда соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Қувонарлиси, ҳозирнинг ўзида "Adidas" ва "Nike" брендларининг спорт буюмларини аутсорсинг шартлари асосида, "Hugo Boss" ва "Inditex" гуруҳларининг "Zara", "Massimo Dutti", "Bershka", "Stradivarius" ва бошқа брендлари шартнома асосида Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш таклифларини киритмоқда.

Бундан ташқари, янги бозорларнинг очилиши туфайли кластерларда "Хом ашёдан — тайёр маҳсулотгача" тамойили асосида тўлиқ саноат занжири яратилиши орқали экспорт кўрсаткичларини 50 миллиард долларга етказиш учун реал имконият вужудга келмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси тизимида инвестициявий лойиҳалар ижросига изчил киришилди.

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда мавжуд кластерларнинг 17 тасида пахтани қайта ишлашнинг бешта босқичи, 22 тасида тўртта босқич, 30 тасида учта босқич, 36 тасида 2 та босқич ва 16 тасида битта босқичи қамраб олинган. Аммо устувор режага кўра, яқин келажакда барча кластерлар беш босқични чуқур қайта ишлаш тизимига тўлиқ ўтади. Шу мақсадда 2022 — 2026 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 300 дан ортиқ инвестициявий лойиҳалар амалга оширилиши белгилаб олинган. Пировардида хом ашёни чуқур қайта ишлаш бўйича қўшимча қиймат занжири йўлга қўйилиб, 350 мингта янги иш жойи яратилади. Тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг умумий ҳажми эса икки баравар ошиши кутилмоқда.

Чиндан ҳам, эндиликда ўзбек тўқимачилик саноатчилари 331 та халқаро бренд ҳамда ритейлернинг буюртмасини қабул қилиш имкониятига эга бўлди. Бу — ўзбек пахта толаси ва у асосида тайёрланган маҳсулотларга дунё бозорлари очилди, дегани! Бу — саноатимизда тарихий ғалабадир!

**Муртазо РАҲМАТОВ,**
**Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раиси,**
**иқтисодиёт фанлари доктори,**
**сенатор.**

# ОППОҚ ПАХТАМИЗ ҚОРА ТАМҒАДАН ХОЛИ БЎЛДИ

*Жорий йилнинг 10 март куни "Cotton Campaign" халқаро коалицияси томонидан Ўзбекистон пахтасига эълон қилинган глобал бойкот бекор қилинган сана бўлиб, янги тарихимиздан алоҳида ўрин эгаллади.*

Шак-шубҳасиз, 12 йил давомида амал қилган ушбу бойкотнинг олиб ташланиши халқаро ҳамжамият томонидан мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида олиб борилган кўп йиллик машаққатли ислоҳотлар эътирофи бўлди, десак, муболаға бўлмайди. Дарҳақиқат, дунёда пахта етиштириш бўйича олтинчи, унинг экспорти бўйича эса олтинчи ўрини эгаллаган давлат учун бундай чекловнинг олиб ташланиши катта стратегик аҳамиятга эга.

Тан олиб айтиш керак, 2017 йилгача Ўзбекистон Халқаро меҳнат ташкилотининг мажбурий ва болалар меҳнатини тақиқловчи халқаро конвенцияларни қабул қилиш билан чекланиб, амалда бу соҳада ижобий ўзгаришларга эришолмади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз фаолиятининг илк кунларидан инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мажбурий меҳнатни батамом тугатиш бўйича мутлақо янги тизим яратишга киришди. Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия ташкил этилди, мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш юзасидан қонунчиликка ўзгартишлар киритилди, бир нечта халқаро конвенциялар миллий қонунчилигимизга имплементация қилинди.

Шу билан бирга, пахта етиштириш ва умуман, қишлоқ хўжалиги соҳасида инқилобий ислоҳотлар амалга оширилди. Хом ашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараён билан шуғулланувчи кластерлар тизими жорий этилди. Пахта етиштириш, унинг нархи ва мажбурий сотилишини давлат томонидан тартибга солиш амалиёти бекор қилинди.

Хўш, пахтамизга бойкотнинг олиб ташланишининг ижобий жиҳатларини нималарда кўришимиз мумкин?

Авваламбор, халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистон юқори минбарлардан берилган ваъдаларига содиқ бўлган, демократик ислоҳотларни амалга ошираётган ишончли ҳамкор давлат сифатида нуфузи янада ошади. Шу билан бирга, мазкур тақиқнинг бекор қилиниши Ўзбекистоннинг дунё бозоридаги ўрнини янада мустаҳкамлайди. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини, географиясини оширишга, тўқимачилик соҳасида жаҳоннинг 300 дан ортиқ илғор ва нуфузли корхоналари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш имконини беради. Бугунги кунда тўқимачилик соҳасида минг-минглаб корхоналар фаолият кўрсатаётган бўлса, яқин келажакда тўқимачилик соҳасида нуфузли брендларнинг мамлакатимизга кириб келиши валюта тушумлари ортишига, биз учун муҳим бўлган янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Европа Иттифоқининг барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув бўйича махсус преференциялар тизими ("GSP+") доирасида бенефициар, Буюк Британиянинг Кенгайтирилган GSP тизими аъзолигига мамлакат сифатида қабул қилиниши ҳам тўқимачилик саноатимизни жадаллик билан ривожланишига замин яратади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз ўз олдига қўйган яна бир марра муваффақиятли забт этилди. Галдаги муҳим вазифа бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, дунё тўқимачилик соҳаси бозорида ўз салоҳиятимизни намоён этишдир.

**Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИСИНИНГ МАҚОМИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

*Ҳар қандай давлатни бошқарув аппаратисиз тасаввур этиб бўлмайди. Давлат бошқаруви аппарати эса, давлат фуқаролик хизмати тизимига муҳтож бўлади. Шу сабабли давлат бошқаруви аппаратида олиб бориладиган ислоҳотлар, аввало, давлат фуқаролик хизматининг тўғри ташкил этилиши ва самарали амалга оширилишини талаб қилади.*

## Фикр

Давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, давлат хизматчиларининг касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини объектив ҳамда адолатли танлов асосида хизмат поғоналари бўйича кўтарилиш кафолатларини ўрнатиш мақсадида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Дастлаб, ушбу ҳужжат regulation.gov.uz муҳокамалар порталига жойлаштирилди. Қонун лойиҳаси порталда 11 922 маротаба ўқилиб, фуқаролар томонидан 219 та таклиф ва мулоҳаза билдирилди. Шундан сўнг қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан 2021 йил 28 декабрь куни биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан, 2022 йил 2 март куни эса иккинчи ва учинчи ўқишда қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси фракцияларида қизғин муҳокамалардан ўтган қонун лойиҳасида давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, давлат органлари ва ташкилотларининг фаолиятини амалга оширишнинг асосий тамойиллари, давлат фуқаролик хизматчилари таркибини шакллантириш, танлов ўтказиш, фаолиятини мониторинг қилиш, хизматдан бўшатиш масалалари, давлат фуқаролик хизматчиларининг ижтимоий ва пенсия таъминотини ҳисобга олган ҳолда, ҳалол ва фидокорона хизматни моддий ва номоддий шаклда рағбатлантириш механизмлари, шунингдек, хизмат этикаси ва коррупцияга қарши кураш масалалари тартибга солинмоқда.

Ўрни келганда таъкидлаш кераки, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида кўплаб хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилди.

Қонун лойиҳаси билан давлат фуқаролик хизматида коррупциянинг олдини олишга қаратилган ягона мезонлар белгиланиши, мазкур соҳада хизматчиларнинг коррупцияга муросасиз муносабатини шакллантириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган самарали превентив чоралар жорий этилишига олиб келади.

Давлат органларида ходимларга хизматни ўташ билан боғлиқ чекловлар мажмуи ҳам белгиланмоқда. Унга кўра, давлат фуқаролик хизматчиларининг хорижда мулк эгаси бўлиши, чет эл банкларида омонатлар очиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, совғалар олиши, чет эл фуқаролигини олиши, сиёсий партияларга аъзо бўлиши тақиқланмоқда. Агар белгиланган чекловларга риоя этилмаган тақдирда давлат фуқаролик хизматчиси нафақат ишдан кетиши, балки жиноий жавобгарликка тортилишига асос бўлади.

Умуман, давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, улар билан доимий ишлаш, малакасини ошириб бориш, масъулиятли мутахассислар захирасини шакллантириш масалалари ҳар қандай давлат олдида турган устувор вазифалардан ҳисобланади.

"Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун эса бу борадаги ишларнинг ҳуқуқий пойдевори бўлиши билан бирга, давлат фуқаролик хизмати ва инсон ресурсларини ривожлантириш борасидаги ишларда йўл кўрсатувчи маёқ бўлиб хизмат қилади.

**Иномжон ҚУДРАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси ўринбосари.**

# ҚОНУН КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТДАН ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ЛОЗИМ

*Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.*

## Сенат қўмитасида

Қайд этилганидек, мазкур қонун бугунги кунда долзарб бўлган ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш билан боғлиқ муносабатларда қонунийлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилгани билан эътиборга молик. Қолаверса, у охирги йилларда мамлакатимизда мулк дахлсизлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган тизимли чораларни ва саъй-ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

Йиғилишда сенаторлар аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли таъминлаш нуқтаи назаридан мазкур қонунда концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган айрим масалалар борлигига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Жумладан, унда ер участкасини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга асос бўладиган ҳолатлар аниқ кўрсатилган. Бироқ ер участкасини жамоат эҳтиёжи учун олиб қўйиш масаласи, жумладан, талаб этиладиган харажатлар миқдори (компенсация) дастлаб мулкдор билан эмас, балки жойлардаги вакиллик ҳокимияти органларида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида муҳокама қилиниши белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, иштирокчилар ушбу масала, аввало, мулкдор билан муҳокама қилиниши, барча ҳисоб-китоблар ўзаро келишилиши ва шундан кейин Жўқорғи Кенгес ёки маҳаллий Кенгашга киритилиши зарурлигига урғу берди.

Бундан ташқари, мажлисда ҳудудларда ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлардан мисоллар келтирилиб, мулкдор билан компенсация масаласини узил-кесил келишмасдан туриб масалани маҳаллий Кенгаш муҳокамасига киритиш харажатлар миқдори олдиндан чегараланиб қолишига олиб келиши мумкинлиги ҳам таъкидланди.

Ана шу жиҳатларни эътиборга олиб, Сенат қўмитасининг ушбу қонунни қайта кўриб чиқиш юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИЖРОДА МАСЪУЛЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК МУҲИМ

1 Ҳисоботда айтилганидек, ўтган даврда давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросига масъул ходимлар бириктирилиб, ажратилаётган маблағлар мақсадли ва самарали сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатилган.

Мазкур қарор доирасида Давлат бюджетидан жами 10,6 трлн. сўм, шундан "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларига 2 трлн. сўм, инвестиция дастурига 8,6 трлн. сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан республика штаби томонидан доимий назорат ишлари олиб борилди.

Муҳокамалар давомида депутатлар Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ижобий баҳолаган ҳолда маъқуллади.

Йиғилишда "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

### 301,4 млрд. сўмлик молиявий хато ва камчиликлар аниқланган

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Ҳисоб палатаси давлат ташқи аудити ва молиявий назоратининг олий органи бўлиб, бюджет лойиҳалари шакллантирилишини таҳлил қилади. Давлат дастурларининг молиялаштирилишини аудитдан ўтказиб, бюджет ҳисобидан амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларни баҳолайди.

Палата таҳлилларига кўра, ўтган йили 338 млрд. сўм ноқонуний харажат ва ўзлаштиришлар аниқланиб, уларни бюджетга қайтариш чоралари кўрилди. Давлат харидларида эса 763 ҳолатда 971,1 млрд. сўмлик манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилгани, шунингдек, Давлат бюджетига 527 млрд. сўм қўшимча манбалар аниқланди. Ўрганишларда 5 трлн. сўмлик 783 та объект белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмагани, қолаверса, ўтган йили ижтимоий соҳада жами 301,4 млрд. сўмлик молиявий хато ҳамда камчиликлар борлиги маълум бўлди. Депутатлар ушбу масала юзасидан бир қатор таклиф ва тавсиялар берди ва ҳисоботни маъқуллади.

Йиғилишда "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди. Ушбу ҳужжатда давлат мулкини бошқариш соҳасидаги сиёсатнинг асосий йўналишлари, давлат мулкига эгалик қилиш, ҳисобдорлик ва назорат, очиқлик ва шаффофлик, соғлом рақобатни ривожлантириш, атроф-муҳит ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш принциплари белгиланяпти.

Қонун лойиҳаси давлат мулкини бошқариш соҳасида масъул идораларни белгилаш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш ва давлат мулкини бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши айтилиб, депутатлар томонидан маъқулланди. Фракция йиғилишида, шунингдек, бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилиб, халқ вакиллари томонидан қўллаб-қувватланди.

### Коррупциянинг олдини олиш учун нима қилиш лозим?

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳам Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи кўриб чиқилди.

Ҳисоботда келтирилишича, Ҳисоб палатасининг 2021 йилдаги тасдиқланган назорат ишларининг йиллик дастурида "Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси тўғрисида"ги Қонунда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан 46 та назорат тадбири режалаштирилиб, амалда қўшимча топшириқлар асосида олтмишта назорат тадбири ўтказилди. Натижада 2021 йил учун режалаштирилган бюджет харажатлари 2,1 трлн. сўмга, 2022 йил бюджет лойиҳасида кўзда тутилган харажатлар 641 млрд. сўмга мақбуллаштирилиб, бошқа устувор йўналишларга қайта тақсимланиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Фракция аъзолари Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йилда салмоқли ишлар олиб борилганини эътироф этиб, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар беришди.

Йиғилишда депутатлар томонидан партия позициясидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва муносабатлар билдирилди ва кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

### 221 та ижтимоий объектнинг ишга туширилиши таъминланган

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши Ҳисоб палатасининг 2021 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш билан бошланди. Бу бўйича Ҳисоб палатаси масъул ходими Сардор Мирзаев маъруза қилди.

Таъкидланганидек, палата томонидан тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан салмоқли тадбирлар бажарилган. Ўтказилган 41 та назорат тадбири натижасида аниқланган коррупциявий ҳолатлар бўйича тўпланган материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилган.

Ҳисоб палатаси томонидан 2021 йил инвестиция дастурига киритилган объектларда қурилиш-таъмирлаш ишларини лойиҳалаштириш ҳамда ишларни бажариш учун маблағларнинг тўлақонли ажратилганлиги ўрганилган. Ушбу жараёнда юзлаб ижтимоий объектлар белгиланган муддатда ишга туширилмагани аниқланиб, кўрсатилган амалий ёрдамлар натижасида 221 та ижтимоий объектнинг ишга туширилиши таъминланган.

Қизғин муҳокамалардан сўнг Ҳисоб палатасининг ўтган йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи депутатлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, йиғилишда "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Электрон тижорат тўғрисида"ги ва бошқа муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари кун тартибидаги қонун лойиҳалари юзасидан ҳам электорат нуқтаи назаридан муносабат билдирдилар.

Йиғилишда фракция фаолиятига оид масала ҳам кўриб чиқилди.

### Электрон шартномалар тузишнинг аниқ тартиби мавжудми?

Ўзбекистон Экологик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар Ҳисоб палатасининг 2021 йилги ҳисоботини, "Электрон тижорат тўғрисида"ги, "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги, "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаларини муҳокама қилди.

Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш мобайнида депутатлар бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш, давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларининг тўғри қўлланилишига алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидлаш жоизки, "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонун лойиҳасида электрон шартномаларни тузишнинг аниқ тартиби, сотувчи ва харидорларнинг ҳуқуқлари, электрон тижоратда тўловларнинг рухсат этилган шакллари белгиланмоқда.

Ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши ташқи савдо майдончалари, интернет-дўконлари ҳамда бошқа воситачилар орқали битимлар сонини кўпайтириш, товар айланмаси, маҳсулотлар (хизматлар, ишлар) экспорти ҳажми ўсишига хизмат қилади.

Йиғилишда халқ вакиллари томонидан берилган қатор саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олинди ва қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

Якунда кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИ ДАВРНИНГ УМИДБАХШ ЭПКИНЛАРИ

## ЁХУД ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРНИНГ ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

1

### Ижтимоий сиёсат: инсон қадри улуғ

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳозирги давр — янги Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятлари ижтимоий сиёсатни кучайтириш, одамлар фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳаёт сифатини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш, адолатли, эркин ва тараққий этган жамият қуришда намоён бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини рўёбга чиқаришга ҳам давлат раҳбарининг "Инсон қадри учун" деган ғоясига асосланган ҳолда киришдик. Унинг моҳиятини изоҳлар экан, Президентимиз инсон қадр-қиммати қандайдир мавҳум ва баландпарвоз тушунча эмаслигини алоҳида қайд этди. Бу, энг аввало, ҳар бир фуқаро учун тинч ва бехавотир ҳаётни, унинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилмани яратиш, шунингдек, малакали тиббий хизматлар ва сифатли таълим олиш, ижтимоий ҳимоядан фойдаланиш ҳамда соғлом экологик муҳитда яшаш имкониятларини бериш демакдир.

Шу мақсадларга эришиш учун яқин келажакда бутун дунёда ноёб демократик тузилма ҳисобланмиш маҳалла институтининг имкониятларидан иложи борича тўлиқ фойдаланиш кўзда тутилмоқда. Унинг ваколатлари янада кенгайтирилиб, маҳалла жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг, халқ билан самарали мулоқотнинг таянч нуқтасига айлантирилади.

Янгича маҳаллабай ишлаш тизимининг жорий этилиши ҳам ноёб ҳодиса бўлиб, у ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан усули сифатида намоён бўлди.

Жорий йил бошидан Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг фаолияти йўлга қўйилди. Келгусида Президентнинг маҳалладаги вакили бўладиган ҳоким ёрдамчилари тайинланди. Уларнинг асосий вазифаси ўз маҳалласи ҳудудида тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш ва оилалар даромадини кўпайтиришдан иборат. Аҳоли билан ишлаш асносида улар оилани камбағалликдан чиқариш, касбга ўқитиш, имтиёзли кредит, субсидия ва ер участкалари ажратиш бўйича мавжуд имкониятлар ҳақида хабар беришади. Шу мақсадлар учун жорий йилда 10 триллион сўмлик имтиёзли кредитлар ва 2,5 триллион сўмлик субсидиялар, яъни ҳар бир маҳалла учун ўртача 1,3 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилади.

Яна шуниси аҳамиятлики, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга умумий ҳисобда 80 минг гектар экиладиган ер майдонлари ажратилиши туфайли 500 минг нафар киши доимий даромад манбаига эга бўлади.

Бундай кўламдор ишлар биринчи галда нисбатан оғир иқтисодий ва ижтимоий ҳолатдаги маҳаллаларда амалга оширилади. У жойларда инфратузилмани яхшилаш, ичимлик суви тармоқлари, болалар боғчалари, мактаблар, тиббий муассасалар, бандликка кўмаклашиш марказлари, маданият, спорт ва тадбиркорлик иншоотларини таъмирлаш ва қуришга алоҳида эътибор қаратилади.

### Олис маҳаллаларда замонавий инфратузилма



Халқимизда "Бошпанаси борнинг ташвиши йўқ", деган ибора мавжуд. Ўз уй-жойига эга бўлиш илгари кўпчилик одамлар учун ушалмас орзу эди. Кейинги йилларда олиб борилаётган сиёсат эса уларга некбин умидлар бахш этди.

Арзон уй-жойлар қуриш дастури ватандошларимиз орасида қувонч билан кутиб олингани ҳам шундан. Сўнгги бир неча йил ичида ипотека дастурлари доирасида 140 мингдан зиёд уйлар қурилди, бу эса аввалги йиллар билан таққослаганда 11 марта кўпдир.

Давлат бюджети маблағларининг каттагина қисми таълим тизими ва инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирилди. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан амалдаги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилмоқда. Мактабларда ўқув юкламаси ва дарслар сони оптималлаштирилмоқда, илғор тажрибаларга таянган ҳолда дарсликлар янгиланиб, ўқувчиларни фикрлаш ва олган билимларини амалда қўллашга ундовчи услубиёт жорий этиляпти. Кутубхоналар фонди ўқув-услубий адабиётлар билан бойитилмоқда. Таълим тизими объектлари ва уларда меҳнат қилаётган ходимларни сертификация ва аккредитациядан ўтказиш жараёнлари замон талаби асосида яхшиланяпти. Ўқитувчиларни тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш ҳамда ўқитувчининг жамиятдаги обрўсини кўтариш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ҳатто энг олис маҳаллаларда ҳам таълим тизимининг замонавий инфратузилмаси фаол суръатлар билан шакллантирилмоқда. Мактаблар, мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабдан ташқари муассасалар, олий ва ўрта-махсус илм даргоҳлари қурилмоқда ва таъмирланмоқда. Уларнинг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланяпти.

Мазкур йўналишдаги ишлар кўлами келгусида яна ҳам кенгаяди. Мамлакатимиз раҳбарининг кўрсатмаси бўйича беш йил ичида мактаблар сиғими оширилиб, 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратилади. Бундан ташқари, давлат ва хусусий болалар боғчалари сонининг ортиши ҳисобига мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи 80 фоизга етказилади.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда таълим тизимида ихтисослаштирилган мактаблар улуши ҳам анча кўпайди. Масалан, 2019 йили мамлакатимизда 271 та ихтисослаштирилган мактаб бор эди. Ҳозир эса бундай билим масканлари сони 790 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, 14 та Президент мактаби фаолият юритмоқда. Уларда математика, физика, кимё, биология, ахборот технологиялари, хорижий тиллар ва бошқа долзарб йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган таълим йўлга қўйилган. Ушбу муассасалар замонавий ўқитиш модели бўлиб, таълим соҳасидаги сифат ўзгаришларидан дарак бериб турибди ва пировардида жамиятнинг илм-фан, илғор технологиялар ҳамда техник касб-ҳунарларга бўлган қизиқишини кучайтиради.

### Сифат имконият кенгайишига олиб келди

Барча даражадаги таълим сифатининг яхшиланиши ёшларнинг билим олиш имкониятини ҳам кенгайтирди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами вакиллари, жумладан, хотин-қизлар учун янги квоталар киритилмоқда. 2021 йилнинг ўзида 2 минг нафар қиз олий таълим муассасаларига алоҳида грант асосида қабул қилинди. Натижада ўтган йили олий ўқув юртларига кирган талабалар умумий сонининг 60 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.




Келгуси беш йилда бу борада яна ҳам самаралироқ чора-тадбирлар амалга оширилади. Президентимизнинг 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали тадбирдаги чиқишида айтилганидек, таълим контрактларини тўлаш учун қизларга 7 йил муддатга фоизсиз кредит бериш жорий қилинади. Бундан ташқари, келгуси ўқув йилидан бошлаб, магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилади, шунингдек, докторантура йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилади.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш масаласи ҳам долзарблигича қолмоқда. Шу боис ҳар бир маҳалла, мактаб ва бошқа ижтимоий объектларда янги кутубхоналар, спорт заллари ва майдончалари, компьютер марказларини очиш, спорт ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг, хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги ва меҳнат бозорида талабгир касб-ҳунарларга ўқитиш бўйича курслар фаолиятини жонлантириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилади.

Кейинги вақтда мамлакатимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлидаги амалий ишлар самарасини ҳар биримиз ўз ҳаётимизда кўряпмиз, ҳис этяпмиз. Бу, айниқса, коронавирус пандемияси даврида яққол сезилди. Эътиборлиси, келгуси беш йилда бу йўналишдаги ишлар янада фаоллашади. Инсонга ғамхўрлик қилиш, фуқаролар саломатлигини доимий кузатиб туриш мақсадида тиббий хизматлар аҳолига янада яқинлаштирилади. Бунинг учун ҳудудларда бирламчи тиббий хизмат "бир қадам" тамойили асосида йўлга қўйилиб, 105 та оилавий шифокор пункти ва 31 та оилавий поликлиника ташкил этилади. Талаб катта бўлган йўналишлар бўйича тиббий ёрдам туманлараро даражада кўрсатилади. Тиббий хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, рақамли медицинани кенг жорий этиш, дори-дармон ва тиббий жиҳозлар учун ажратиладиган бюджет маблағларини кўпайтириш каби қатор чора-тадбирлар мўлжалланмоқда.

### Пойдевори мустаҳкам механизм

Ўзбекистон тез орада даромади ўртадан юқори бўлган давлатлар сафига киришни мақсад қилган. Бу ҳақдаги хабарлар хориж мамлакатлари оммавий ахборот воситаларини хам қизиқтирмоқда. Жумладан, Кувайтнинг "Nokhbah News" ва "Sabr News" газеталари саҳифаларида республикамиз шу мақсадга етиш учун аниқ кўрсаткичларни белгилаб олгани ва уларга етишга хизмат қилувчи механизмларни жорий этиши тўғрисида ёзишди.

Иқтисодий қудратни оширишга бўлган ҳаракатлар ўз-ўзидан тушунарли: ахир, фақат иқтисодий жиҳатдан кучли давлатларгина ижтимоий ва бошқа масалаларни муваффақиятли ҳал этишга, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини кўтаришга қодир.

Хўш, бизда бу борада аҳвол қандай? 2017 — 2020 йиллар бўйича рақамларга эътибор берсак, иқтисодий ўсиш 18,3 фоизни ташкил этгани, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажми 60 миллиард долларга етганини кўрамиз. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 2016 йилдагига нисбатан 23,4 фоизга, экспорт 25 фоизга ёки 15,1 миллиард долларгача ортган.

Фақат кувайтлик ҳамкасбларимиз эмас, балки бошқалар томонидан ҳам энг кўп муҳокама қилинаётган ўша мақсадга қайтсак. Тараққиёт стратегиясида ЯИМни 100 миллиард долларгача, саноат ишлаб чиқаришини 1,4 бараварга ошириш мўлжалланган. Экспорт ҳажми 2026 йилга бориб, 30 миллиард долларга етказилиши керак.

Энди савол: бундай ўсишга ниманинг ҳисобидан эришилади? Маълумки, замонавий бизнес вакиллари мисни янги олтин, янги нефть, ҳатто келажак метали, деб ҳисоблашади. Чунки унинг юқори технологияли тармоқлардаги роли тобора ортиб боряпти. Айнан шу боис ҳам, мис ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланган ҳолда бошқа маҳсулотларни тайёрлашни икки бараварга ошириш учун асос яратишга қодир бўлган мис саноати кластерларини тузиш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бу йўналишда анчагина ишлар бажарилмоқда. Бу ерда 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши давом этяпти. Президентимиз лойиҳанинг рўёбга чиқарилиш жараёни билан танишган чоғида уни тезлаштириш ва фабрикани 2023 йил охиригача ишга тушириш бўйича ўз тавсияларини берди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг JORC кодекси бўйича баҳоланган мис ресурслари 45 миллион тоннага тенг деб ҳисобланмоқда. Шундан келиб чиқиб, 2030 йилга бориб, мис ишлаб чиқаришни 515 минг тоннага етказиш бўйича концепция ишлаб чиқилган. Шунинг учун 3-мис бойитиш фабрикасининг қурилиши билан бир пайтда 4-фабрикани ҳам лойиҳалаштириш мўлжалланмоқда. Натижада рудани қайта ишлаш қувватларини уч бароварга ошириш мумкин бўлади. Шунингдек, мис кластери яратиш режалаштирилган. Ўтган йил охиридаёқ 76 миллион долларлик 22 та лойиҳа шакллантирилган бўлиб, улар мисни қайта ишлаш, саноатнинг турли тармоқлари ва ташқи бозорда талабга эга бўлган, юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган.

### Ноёб қувватлар қудрати

Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни яқин беш йилда ривожлантиришнинг таркибий қисми сифатида кимё ва газ-кимё тармоқларини ривожлантириш, хусусан, табиий газни қайта ишлашни 8 дан 20 фоизгача ва кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2 миллиард долларгача етказиш кўзда тутилган. Бунга эса реал асос бор, имконият етарли. Масалан, ўтган йил охирида фойдаланишга топширилган "Uzbekistan GTL" юқори технологик заводи синтетик суюқ ёнилғи ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бундай ўта замонавий мажмуа дунё миқёсида жуда кам. Корхонада ҳар йили 3,6 миллиард кубометр табиий газ қайта ишланади ҳамда энг сўнгги технология ва жиҳозлар ёрдамида қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ бўлган 1,5 миллион тонна суюқ ёнилғи ишлаб чиқарилади. Юқори сифатли авиакеросин, "Евро-6" дан кам бўлмаган юқори стандартларга мос дизель ёнилғиси, нафта ва суюлтирилган газ билан бир қаторда, завод базасида қиймати 620 миллион долларлик олтита лойиҳа амалга оширилгач, кимё саноатида, маиший анжомлар, мебель, қурилиш материаллари ва электротехника, тўқимачилик ва чарм саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган бутен ва гексен, синтетик мойлар, малеин ангидрид, эмульсион қўшимчалар, катализаторлар тайёрлаш йўлга қўйилади.



Американинг "EIN Presswire" нашрида қайд этишларича, қисқа муддат ичида чўлда гигант завод ва кимё кластери пайдо бўлди, уларнинг қурилиши пандемия шароитида ҳам тўхтамади. *"Бундай ноёб мажмуа шу пайтгача жаҳонда фақат 4 та давлатда — Қатар, Нигерия, Жанубий Африка Республикаси ва Малайзияда барпо этилган эди, — дея хабар берилади нашрда. — Ушбу завод бутун минтақада нефть-газ-кимё саноати бўйича энг катта корхонадир. Энг муҳими, завод туфайли Ўзбекистонда йилига 500 миллион долларлик импорт ўрни қопланади".*

Муаллифлар таъкидлаганидек, бутун дунё фаол равишда "яшил" иқтисодиётга ўтяпти, янги завод ҳам шу анъанага риоя қилмоқда. Завод маҳсулоти энг юқори халқаро экологик талаблар, меъёр ва стандартларга жавоб беради, деб қайд этилади мақолада.

"Uzbekistan GTL"нинг қурилиши тугаши билан яна битта мажмуа барпо этилишига старт берилди, у эса Шўртан газ-кимё мажмуасининг қувватини уч баравар оширишга имкон яратади. Янги корхонада "Uzbekistan GTL" заводида ишлаб чиқариладиган 430 минг тонна нафтани қайта ишлаш ҳисобига йилига 380 минг тонна полиэтилен ва полипропилен тайёрланади.



Шу иккита янги завод туфайли Шўртан мажмуаси доирасида Ўзбекистондаги илк газ-кимё кластери тузилади, ундаги ишлаб чиқариш ҳажми 2025 йилга бориб 1,8 миллиард долларга етказилади ёки 6 бараварга кўпаяди. Мамлакатимизда табиий газни қайта ишлаш кўрсаткичи ҳозирги 8 фоиздан 14 фоизгача ортади.

Бундан ташқари, табиий газни қайта ишлашни чуқурлаштириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида Тошкент, Навоий, Фарғона, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистоннинг Устюртида яна бешта кимё-технологик кластер ташкил этилади. Уларда қиймати йилига беш миллиард долларни ташкил этувчи 180 турдаги юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Яна бир мисол. Тараққиёт стратегиясига кўра, чарм-пойабзал саноатида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ва маҳсулот тайёрлашни уч бараварга кўтариш кўзда тутилган.

Хўш, бу соҳанинг имкониятлари қандай? Бу саволга қуйидаги рақам ва далиллардан жавоб оламиз. Гап шундаки, 2017 йилдан бери соҳада ишлаб чиқариш салкам 6 мартага, тайёр маҳсулот улуши эса 32 фоиздан 78 фоизгача ортган. Тағин бу — барча захиралар ишга солинмай туриб. Масалан, хом ашёни тайёрлаш, ҳисобга олиш ва унга ишлов бериш тизимини яхшилаш, янги ва модернизация қилинган корхоналарни ташкил этиш, мамлакатимизнинг турли минтақаларидаги 16 та махсус кичик саноат зоналари фаолиятини жонлантириш лозим. Тармоқнинг ривожи давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганини ҳам айтиб ўтмасак бўлмайди. Жумладан, махсус кичик саноат зоналари жойлашган вилоятларда тегишли инфратузилмани яратиш учун бюджетдан 90 миллиард сўм ажратилади. Шу тармоқда бизнес бошлаш истагини билдирган тадбиркорларга уч йиллик имтиёзли давр билан 7 йилга кредит берилади. Умумий ҳисобда тармоқни қўллаб-қувватлашга жорий йилда 60 миллион доллар миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилади.

Тараққиёт стратегиясида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини икки баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Тўқимачилик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришни икки баравар, электротехника саноатида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳам шунчага ошириш белгиланган. Мебель маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми 2,8 марта, фармацевтика тармоғида эса 3 марта ортади. Умуман олганда, ўсиш фоизларда эмас, балки бир неча бароборлик кўрсаткичларда мўлжалланмоқда.

"Инсон қадри учун" тамойили асосида рўёбга чиқариладиган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётига кучли импульс беради. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторида камбағалликни қисқартириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш чоралари белгиланган. Бу ишларнинг барчаси, аввало, ривожланган давлат ва адолатли жамият қуриш жараёнида инсон қадр-қимматини улуғлашга қаратилгандир.



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги фаровон ҳаётни таъминлаш йўлида изчил олиб борилаётган туб янгиланишлар Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ва нуфузини ҳам оширишга хизмат қилмоқда. Буни яқиндан кузатаётган таниқли экспертлар, сиёсатчи ва таҳлилчилар Президентимиз Шавкат Мирзиёевни "Сингапур мўъжизаси" асосчиси Ли Куан Ю ҳамда Хитой иқтисодий тараққиёти меъмори Дэн Сяопинга ўхшатишмоқда. Аммо юртимизда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар ушбу давлат арбоблари илгари сурган тараққиёт стратегияларига қиёсланганда ўзининг шиддаткорлиги, инсонпарварлиги, халқнинг асрий орзулари, манфаатларига уйғун экани билан ўзига хосдир. Бинобарин, янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида белгиланган чора-тадбирларга эътибор қилган ҳар қандай инсон буни теран англайди.

Янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессансни қуриш йўлида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар — янги даврнинг умидбахш эпкинлари ҳар бир қалбга ажиб бир кўтаринкилик, сурур, баланд руҳ бахш этади. Эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишонч ҳар биримизни миллий тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

**Ўткир РАҲМАТ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 30 067 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 00.40 1 2 3 4 5 6